

АТОЙИ ҒАЗАЛЛАР

Атойи 15-аср Самарқанд, Бухоро ва Балхда яшаган, туркча ва форчада ижод қилган мумтоз шоир. Алишер Навоий «Насоим ул-маҳаббат» («Муҳаббат шабадалари») асарида шоир хусусида қуйидаги маълумотларни ёзади:

Мавлоно Атойи Балхда бўлур эрди. Исмоил ота (Аҳмад Яссавийнинг иниси Иброҳим отанинг ўғли) фарзандларидиндур, дарवेशи ва хушхулқ, мунбасит (очиқ чехрали) киши эрди. Ўз замонида шеъри атрок (туркий тилда сўзловчилар) орасида кўп шухрат тутти. Бу матлаъ анингдурким:

*Ул санамким су(в) яқосинда паритек ўлтурур,
Гояти нозуклугиндин сув била ютса бўлур.*

Қофиясида айбгинаси бор. Аммо Мавлоно кўп туркона айтур эрди. Қофия эҳтиёжига муқайяд эрмас эрди. Қабри Балх навоҳисидадур...»

Атойи девонининг муқовасида ва қўлёзманинг охирида «Девони Шайхзода Атойи» деб қайд этилиши ҳам Атойини шайхлар оиласидан келиб чиқан дейишга асос беради. Навоийнинг хабар беришича, Атойи Улуғбек саройи шоирлари орасида ҳам бўлган. Атойи ғазалнавис — лирик шоирдир. Унинг ғазалларида муҳаббат мавзуи билан бир қаторда май ҳам куйланади. Майда ҳаёт завқи, унинг барча гўзалликлари ва лаззатлари васф этилади. Май Атойида Умар Хайём рубоийлари ва Ҳофиз ғазалларидаги каби ҳаёт тимсолидир.

Атойи лирикасида халқ иборалари, таъбирлар, мақол ва маталлар, эртак мавзуларига оид сўзлар кўп. Ғазалларини асосан арузнинг рамал баҳрида ёзган; вазни енгил, мисралари қисқа, сўзлари оддий, услуби содда ва равон. Шунинг учун ҳам унинг шеърлари халқ кўшиқларига айланиб кетган. Атойи тажохули орифона, лаф ва нашр каби тасвир восита ва усуллари ҳам яратган.

Атойидан 260 ғазални ўз ичига олган девон бизгача етиб келган. Тахминан 16-асрда кўчирилган девоннинг қўлёзма нусхаси Санкт-Петербургда сақланади.

Шоир ғазалларидан намуналар 1927 йилда А. Н. Самойлович томонидан эълон қилинган эди. (Чагатайский поэт XV века Атаи. Записки коллегии востоковедов. П. выш. 2. Л., 1927) 1948 йилда тузилган «Навоий замондошлари» тўпламида Ҳоди Зариф унинг 88 ғазалини нашр эттирди. 1958 йилда эса Атойи ғазаллари девон ҳолида чоп этилди. Шоир шеърляти ҳақида кенгрок сўз юритган тадқиқотчилардан бири Э. Рустамов (Узбекская поэзия в первой половине XV века. М., 1963) бўлди.

Атойи ҳақида шунингдек олий ўқув юртлари учун тузилган дарслик (Н. Маллаев. Узбек адабиёти тарихи, Т., 1963, 1965, 1976) ва Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт институти томонидан чиқарилган беш томликларда (Ўзбек адабиёти тарихи, 1- том, Т., (1977) мақолалар, маълумотлар киритилган.

Шоир ғазаллари «Танланган асарлар» (Т., Узадабий нашр, 1958) дан олинди.



Эй орази шамсу камарим, нетти, не бўлди?
Ве, тишлари дурру гухарим, нетти, не бўлди?

Кўнглум куяриндин санга мен панд берурмен,
Эй мархами жону жигарим, нетти, не бўлди?

Сен бор экан ўзга кишига, гар назар этсам,
Чиксун бу менинг дийдаларим, нетти, не бўлди?

Гаҳ жавр ила ўлтур мени, гаҳ ноз ила, сендин,
Ҳаққоки менинг йўқ гузарим, нетти, не бўлди?

Эй лўъбати ширин, сени Фарход менгизлик,
Оламға ёйилди севарим, нетти, не бўлди?

Бир зарра сучук сўзни Атойидин аярсен,
Э лаблари шахду шакарим, нетти, не бўлди?

* * *

Юзунгдин гар йироқ солсам назарни,
Нетармен кўзда бу нури басарни.

Лабингни қанда кўрмишким, уёттин
Ешурди банд ичинда найшакарни.

Сени хуршед ўқуғондин ажабтур
Ки, султон бирла тенг дер дарбадарни.

Ғариб эрур гадони сўрмоқ, эй шох,
Сўрарлар жумла олам муътабарни.

Бўюн сунсам ғаминга, айб эмаским,
Забун айлар муҳаббат шери нарни.

Рақибу зоҳид оҳимдин куярлар,
Бале, ўт куйдурур ҳар хушку тарни.

Атойи севди жондин қоматингни,
Севар ҳақ бийм йўлида ростларни.

* * *

Неча жонимға сендин дарду ғамдур?!
Магар меҳринг жафо, лутфунг ситамдур.

Муҳибларға жафо қилмоқ ёзуксиз,
Муҳаббат йўлида бисёр камдур.

Манга душвор эрур сенсиз тирилмақ,
Санга мен бўлмасам, эй жон, на ғамдур?!

Неча жонимға текдинг ваъда бирла,
Кечар дунё, вафо қил, дам бу дамдур.

Кўзунг, зулфунг била оғзинг ғаминда
Вужудим ҳосили айни адамдур.

Гунаҳ қилдимки, ҳажрингда тирилдим,
Вале мендин гунаҳ, сендин карамдур.

Атойи ушбу йўлда хок бўлса,
Муроди хўблардин бир қадамдур.

* * *

Ул санамким, су(в) яқосинда паритек ўлтурур,
Ғояти нозуклукиндин сув била ютса бўлур.

То магарким, салсабил обина жавлон қила,
Келди жаннат равзасиндин оби кавсар сори хур.

Ул иликким, сувдин ориқтур, юмас они суда,
Балки сувни пок бўлсун деб илик бирла ююр.

Эмди билдим рост эмиш, балки кўрдим кўз била,
Улки дерлар, сув кизи гоҳ-гоҳ кўзга кўринур.

Қошларинг ёсин Атоий кўргали ҳусн ичра тоқ,
Субҳидам меҳробларда сураи ёсин ўқур.

* * *

Хаста кўнглумдин хаёлинг бир замон кетмас, бегим,
Нечаким, васлинг этакига қўлум етмас, бегим.

Нетайин, дармонда бўлдум мен бу кўнглум илкида,
Сенсизин ҳеч ерда бир лаҳза қарор этмас, бегим.

Гарчи сен дашном этарсен, мен дуочиман сенга,
Ошиқи содиқ жафодин элини четмас, бегим.

Сен мени таъзим этиб қўллар сонинда тутмағил,
Итларинг хайлинда бўлсам, не манга етмас, бегим?!

Таънадин қовмас Атоийни эшикиндин рақиб,
Ҳеч гадои ит урса эшикни қўюб кетмас, бегим.

* * *

Кел, эй дилбарки, бўстон вақти бўлди,
Гул очилди, гулистон вақти бўлди.

Қилай нола, боқиб гулдек юзунга,
Чу булбулларга афғон вақти бўлди.

Гулу булбул бикин гулбунлар ичра,
Нишоту айши пинҳон вақти бўлди.

Ўқуб гул бахтини мажлисда ҳар дам,
Бўлуб сархуш, гулафшон, вақти бўлди.

Туруб махбуб олида муҳибга,
Чу гул чоки гирибон вақти бўлди.

Муғанниларга булбуллар бикин зор,
Ҳазорон навъи алҳон вақти бўлди.

Бу дамким, гул қилур булбулға алтоф,
Атоийға ҳам эҳсон вақти бўлди.

* * *

Оҳ, ўлтурди фирок ул гул узоримдин йироқ,
Лола юзлуқ, сарв бўйлуқ тўғри ёримдин йироқ.

Нола қилсам ҳар замон айб этманг, эй ушшоқким,
Андалиби бенавомен лозоримдин йироқ.

Ихтиёр эттим ул ойни икки дунёдин, вале
Нетайин солди фалак ўз ихтиёримдин йирок.

Саъй этар зоҳид мени жаннатнинг эски боғина,
Мен борурменму юзунгдек навбахоримдин йирок.

Менда ҳам сабру қарору ақлу ҳуше бор эди,
Не балолиқ ишқ эдиким, солди ёримдин йирок.

Гар фалак ўлтурса юз қатла мени, ҳеч бок эмас,
Бу ўлумдурким, ўладурмен нигоримдин йирок.

Кетмагай ўлсам Атоийдек бўюнги сарви учун,
То қиёмат саяйи раҳмат мазоримдин йирок.

* * *

Ай гул чехралик сарви равоним,
Фидо бўлсун сенга жону равоним.

Сулаймон мулкудур ҳам Нуҳ умри
Санинг била кечурган бир замоним.

Агар зулфунг учун чопсанг бошимни,
Юз эвурсам манинг бўйнуғиға қоним.

Белинга гарчи бир қилча гумон бор,
Вале оғзингда йўқтур ҳеч гумоним.

Жамолинг оятидур ҳусн ичинда,
Не ҳожат бу менинг шарҳу баёним.

Бу доғе ким, қўяр жонимға ҳажринг,
Ажаб қолгай менинг ному нишоним.

Юзунг меҳринда жон берди Атоий,
Демадинг бир кун: «Ўлди меҳрибоним».

* * *

Бовужуди оразинг барги самандин ким десун?
Лоладин ким сўзласун, ҳам настариндин ким десун?

Дунёни тутти санинг ҳуснунг била дардим сўзи,
Юсуфу Яъқуб ила Байтул-ҳазандин ким десун?

Лаълингиз бирла дам урмас зарра саррофи ақл,
Оре, яхши бор экан, асли ямондин ким десун?

То висолингдин йироқмен, ёвумас ҳеч ким манга,
Жое улдур, айб эмас, жонсиз бадандин ким десун?

Зулфу холингдин муаттар бўлди олам,баъдазин
Нофайи охую Тотору Хўтандин ким десун?

Макру фан айлаб мени,сайд этти дерлар эл сени,
Мен азалдин мубталомен,макри фандин ким десун?

Эшикигдаким,шаҳаншаҳларга анда бор йўк,
Бу Атоийдек гадойи беватандин ким десун?

* * *

Куяр жоним,нетай,дилхоҳ унутти,
Кўнгул ахволидин огоҳ унутти.

Фалакка етса оҳим не ажабким,
Мени ул Зухра кўзлук моҳ унутти.

Қани бир мушфикекеим,ёд берса,
Гадойи мухлисин ул шоҳ унутти.

Бу қулға бор экан бисъёр лутфи,
Не камлик бўлдиким,ногоҳ унутти.

Не йўлсиз келди мендинким,мунунгдек,
Азалдан жон ила ҳамроҳ унутти.

Фироқингда манга тасбиҳ бўлди
Бу сўзким: «Оҳ унутту,оҳ унутти!»

Атоий хайма ур мулки адамда,
Чу сендин ул бути хиргоҳ унутти.

* * *

Шаҳо,бизга назар қилсанг не бўлди?
Гадони муътабар қилсанг не бўлди?

Кўнгул юз порадур гул,ғунча янглиғ,
Сабодек бир гузар қилсанг не бўлди?

Қаро бахтим бикин ҳижрон кечасин
Висолингдин саҳар қилсанг не бўлди?

Боқиб усрук кўзунгдин,носихимни
Менингтеқ беҳабар қилсанг не бўлди?

Ўтар оҳим ўқи тўқуз фалактин,
Вафо бирла сипар қилсанг не бўлди?

Балоққедур рақиб,охир балодин,
Худой учун ҳазар қилсанг не бўлди?

Кетурди моҳазар жонин Атоий
Қабули моҳазар қилсанг не бўлди?

* * *

Юзунг хуршедтек тобанда бўлсун,
Жамолинг то абад поянда бўлсун.

Такаллум қил, сочилсун дурри гавҳар,
Табассум қил, жаҳон пурҳанда бўлсун.

Юзунгдин бурқаъ олғил бир замоне,
Уёлсун ою кун, шарманда бўлсун.

Мени ўлтурғали ғамзанг қиличи,
Кўзунгдек қофири бурранда бўлсун.

Пари рухсорларнинг хусрависен,
Сенингтек жони ширин қанда бўлсун?

Агар ўлсам тилармен тенгридинким,
Ғаминг жонимға, дардинг танда бўлсун.

«Фалони қулларимдиндур» демушсен,
Атоий ушбу сўзга банда бўлсун.